

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ КУПРОҚ ЕТИШТИРИШ УЧУН МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 241 (4700).

8
ДЕНАБРЬ

Ж У М А

1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

БАЙРОҚ МУБОРАК!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИГА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК МЕХНАТКАШЛАРИ ЮБИЛЕЙ ИЛИ МУСОБАҚАСИДА КАТТА МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШГАНИ, ВА ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН МАЖБУРИЯТНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРГАНИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ ДОИМИЙ САҚЛАШ УЧУН БЕРИЛГАН ЭДИ. КЕЧА БУ БАЙРОҚ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРИЛДИ.

ЮКСАК МУКОФОТГА МЕХНАТДА ЯНГИДАН-ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН ЖАВОБ БЕРАЙЛИК.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ-ХҲЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

7 декабрда Тошкентда область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда область партия комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг аъзолари, район партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, район халқ контроли комитетлари ва район қишлоқ хўжалиги касаба союзлари комитетларининг раислари, район комсомол комитетларининг секретарлари, область ва район қишлоқ хўжалик органларининг мутахассислари, раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш илгөрлари ва колхоз, совхоз партия ташкилотларининг секретарлари қатнашдилар.

«КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарори ва область партия ташкилотининг вазифалари ҳақида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари П. Ю. Юсупов, Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозни комплекс чорвачилик бригадасининг бошлиғи Н. Эргашев, Оққўрғон район ижроия комитетининг раиси А. Х. Соппиназов, Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номи колхоз чўпонни С. Мирзалиев, Бўка район партия комитетининг биринчи секретари М. Э. Эгамбердиев, Янгийўл район ижроия комитетининг раиси К. Б. Мамедов, Калинин районидаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасининг директори Ш. А. Аҳмаджонов иштирок этдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Актив йиғилишида область чорвадорларининг 1973—1975 йиллар учун қабул қилинган социалистик мажбуриятлари маъқулланди.

Актив йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Уртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Қизил байроғини доимий сақлаш учун Тошкент областига топширди. Область меҳнаткашлари бу мукофотга СССР 50 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида катта ютуқларга эришганликлари ва 1972 йилда давлатга 400 минг тонна пахта сотиб, социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари учун сазовор бўдилар.

Уртоқ Мусахонов байроқни қабул қилиб олар экан, область меҳнаткашлари саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши планларини муваффақиятли яқунлаш учун, қузн-қийши дала ишларини сифатли ўтказишда, тўққизинчи беш йиллик учинчи йили мўл ҳосили учун мустақкам замин яратишда бутун куч-гайратларини сафарбар этдилар, деб ишонтирди.

Область партия-хўжалик активи йиғилишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов, республика Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов иштирок этдилар.

(Партия-хўжалик активи йиғилиши ҳақида тулиқ ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида берилган).

ТОШКЕНТ. 7 ДЕКАБРЬ. ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Қизил байроғини Тошкент областига доимий сақлаш учун топшириш лойиҳа. Байроқни КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов топширмакда.

А. Абалаев фотоси.



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари аъзолари, аъзоликка кандидатлари, Тошкент область ва шаҳар партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг аъзолари, меҳнаткашлар

депутатлари Тошкент область ва шаҳар советларининг депутатлари иштирокда, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси 11 декабрь соат 11 да Санъат саройида очилди.

БУХОРО ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕХНАТ ҒАЛАБАСИ

Бухоро области қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнат ғалабасига эришдилар—5 декабрда пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажардилар. Ватан 440 минг тоннадан зиёд давлат планига белгилангандан 40 минг тонна кўп «оқ олтин» олди.

Область деҳқонларининг меҳнат зафари пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишининг резолюциясига, КПСС Марказий Комитети ва Совет Хукуматининг пахтачиллиги янада ривожлантириш тўғрисидаги оталарча тамхўрлиги ва доимий ердимиға жавобидир.

ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган «Тошкентводостройга» қарашли Бекобод маҳсуе механизациялашган кўча колонна коллективи меҳнатда янги ютуққа эришти. Коллектив қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан илгари бажаришгани ҳақида ғалаба рапорти берди. Колоннанинг меҳнатсевар ишчи ва хизматчилари тўққизинчи беш йиллигининг иккинчи йилида 680 гектар янги ер ўзлаштирдилар ва фойдаланишга топширдилар. Шунингдек, илгари ишлатилиб келинмаганди 580 гектар ер қайта пайдалантириб берилди. Кўпгина майдонларда ерларнинг меҳнатдор ҳолати яхшиланди. Булардан ташқари суғорил шохобчаларини бетонлаштириш ва турар-жой бинолари қуриш бўйича ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди.

(ЎзТАГ).

СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ КУЧИ—ХАЛҚЛАР ҚАРДОШЛИГИДА

Тошкентда ўтказилаётган республика илмий-назарий конференцияси халқлар қардошлиги ленинча голларининг тантанаси ва меҳнаткашларини интернационализм руҳида тарбиялаш мавзусига бағишланди. Бу конференцияни, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти, республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва республика «Билим» жамияти уюштирди. Конференция СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланди. Конференцияда таниқли олимлар, олий ўқув юртилари, техникумлар ва хунартехника билим юртилари, шунингдек, халқ маорифи органларининг раҳбарлари, партия ва комсомол ходимлари, лекторлар, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, журналистлар иштирок қилмоқда. Қардош республикалардан келган меҳмонлар ҳам қатнашмоқдалар.

7 декабрда республика «Билим» уйда конференциянинг биринчи мажлиси бошланди. Ташкилот комитетининг топшириғига биноан

конференцияни Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов очди. Бу конференция, деди у, республикада ССР Иттифоқининг 50 йиллиги юбилейи муносабати билан ўтказилаётган муҳим тадбирларнинг биридир. Конференция олдидан СССРда социалистик ўзгаришларнинг таърибисини ва унинг халқаро аҳамиятини ўрганишга бағишланган халқаро илмий конференция, чет мамлакатларда рус тилидан дарс берилиши астуал проблемаларига доир халқаро урпақлар ўтказилганлиги зўр эътиборга сазовордир.

Хозирги илмий аниқланишнинг вазифаси,—деди у,—Коммунистик партиянинг халқлар дўстлиги ленинча голларининг амалга ошириш назарияси ва практикасини ҳамда партиянинг меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасидаги кўп қиррали улкан фаолиятини кенг ва чуқур еритишдан иборат.

«СССРнинг ташкил топилиши ва ривожланиши—интернационализм голларининг тантанаси» деган мавзуда доклад қилмоқ учун та-

рих фанлари доктори, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги илмий Фанлар Академиясининг профессори И. И. Громекага сўз берилди.

Совет кишилари, дейди докладчи, ватанпарварларга хос буюк ифтихор туйғуларин билан СССРнинг ташкил топилиши ва ривожланиши тарихига назар солимоқдалар. Кўп миллатли совет давлатида эришилган жуда катта муваффақиятлар, пролетар интернационализми ленинча назариясининг коммунистик партиянинг илмий масала борасидаги систематик буюк ҳаётий қўшниги аниқлаш ҳамда мизини қувонтиради ва илҳомлантиради.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси, республика олий ва ўрта махсус таълим министри Ф. А. Абдураҳмонов СССР халқларини бир-бири билан яқинлаштириш ва миллатлар арамоқда болганлигини қудратли воситаси бўлган рус тили ҳақида гапирди.

Мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар ўз ихтиёри билан рус тилини муштарак тил сифати-

да тандаб олдилар. Рус тили совет халқларини жисмлаштириш ва уларнинг ўзаро арамоқ боллашлари учун қудратли қурул, бу халқларини ватан ва жаҳон маданиятини энг яхши ютуқларидан баҳраманд қилиш воситаси бўлиб қолди. Рус тили синфсиз жамиятни биргаликда барпо этиш жараёнида мамлакатимиз халқларига хизмат қилди, уларни улуг рус халқи таваригаги бирлаштирди. СССРдаги тенг ҳудуд халқларининг дўст ва ягона оиласига яқинлаштирди.

Философия фанлари доктори, Тошкент халқ хўжалиги институти илмий коммунизм кафедрасининг мудири, профессор С. П. Турсунмухаммедов СССРдаги миллатлар ва элатлар бир хил социал-структурасининг шаклланиши тўғрисида доклад қилди.

Тарих фанлари доктори, В. И. Ленин номи Тошкент давлат университети ҳузуридаги илмий Фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институтининг директори О. Т. Турсунов ривож топган социализм даврида меҳнаткашларини интернационализм руҳида тарбия-

лаш проблемалари ҳақида доклад қилди.

Конференция қатнашчилари ўз нутқларида докладларда илгари сурилган назарий қондаларни ривожлантирдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги К. Е. Житов «Улуг Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси—СССРда миллий масалани ҳал этишнинг асосий шарт» тўғрисида таъкидди. Тарих фанлари кандидати С. У. Татиев «Ўз нутқини «СССР—социалистик миллат ва элатларнинг буюк ҳамдўстлиги» деган мавзуга бағишлади. Тарих фанлари доктори М. М. Мусаев КПССнинг ташкилий тузилишида ленинча интернационализм принципларининг мукаммаллашганлигига тўғрисида доклад қилди.

Философия фанлари кандидати Ф. Н. Нажимов халқ аниқлашларининг роли ҳақида, Тарих фанлари доктори А. Ф. Яхшинова урушдан аввалги йилларда меҳнаткашларнинг интернационал бирдамлигини мустақкамлаш учун курашда Ўзбекистон ишчилар синфи қандай ишти-

рок этганлигини батафсил баён қилди.

Конференциянинг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева қатнашмоқдалар. Республика илмий-назарий конференцияси 8 декабрда ўз ишнини давом эттиради.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ-ЧИЛИ МУЗОКАРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси

нинг аъзоси, СССР Министрлар Совети раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Кирилленко, КПСС Марказий Ко-

митети Сийсий Бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР таъин ишлар министри А. А. Громико билан Совет-Чили муносабатларини

дав келган Чили республикаси президенти Сальвадор Альенде Госсенс ўртасида 6 декабрда Кремлда музокаралар бошланди. Дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиётида ўтган музокаралар вақтида Совет-Чили муносабатларини

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзо-

си, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кирилленко, КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева қатнашмоқдалар.

Республика илмий-назарий конференцияси 8 декабрда ўз ишнини давом эттиради.

Сальвадор Альенде Госсенс ўртасида музокаралар 7 декабрда Кремлда давом эттирилди. Бўлиб ўтган музокараларнинг якунлари тўғрисида Совет-Чили қўшма ахборотини эълон қилиш хусусида келишиб олинди.

Музокаралар дўстлик ҳамда мунокама қилинган масалалар юзасидан фикрлар ва нукта назарларнинг бирлиги вазиётида ўтди.

(ТАСС).

ИНДЕКС 64697.
Р. 01905. Б. 1696.